

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

Ижтимоий фанлар” кафедраси

**Машарипова Гуларамнинг
«Ғоявий таҳдидлар ва унинг зарарли оқибатлари» мавзусидаги**

РЕФЕРАТИ

Тошкент - 2014

Ғоявий таҳдидлар ва унинг зарарли оқибатлари

Режа:

1. Кириш.
2. Ислом Каримов асарларида ғоявий таҳдидлар ва унинг зарарлари ҳақида.
3. Глобаллашув даврида ғоявий таҳдидлар.
4. Ғоявий таҳдидларни олдини олиш омиллари ва воситалари.
5. Хулоса
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавиятга қаратилган ҳар қандай таҳдид ўзидан мамлакат, унинг миллий манфаатларни, соғлом авлод келжагини таъминлаш йўлидаги жиддий хабарлардан бирига айланиши ва охиروқибатда жамиятни инқирозга олиб келишини алоҳида қайд этади. Чунки, дейди Ислам Каримов – дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсиндирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлиши миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади¹. Шунинг учун – бу Шарқ ёки Ғарб мамлакатлари бўладими, олис Африка ёки Осиё қитъаси бўладими – жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши қандайдир таҳдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бугунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши табиий, албатта. Муаллиф маънавий таҳдидлар ҳақида гапирар экан мафкуравий, ғоявий ва информацион хуруж каби инсон руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини қўйган, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси инсоннинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашга қарши қаратилган хуружлар моҳиятига тўхталади².

Давлатимиз раҳбари “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ривожланишимизнинг биз бошдан кечираётган ушбу босқичида фидокор халқимиз руҳиятини издан чиқаришга қаратилган маънавий хуружларнинг бўлиши табиийлигига эътиборни тортар экан, уларга қарши қўйилиши мумкин бўлган асосий мезонларни, жумладан, “шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши”, “қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши”, “бугунги тез

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008, 11-бет.

² Ўша асар, 13-14-бетлар.

ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши” ва “диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши”ни кўрсатиб ўтади.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавий тарбия асосини ташкил этувчи муҳим омил ва мезонлар, шахснинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, босқичма-босқич ривожлантириб бориш усул ва воситалари атрофлича таҳлил этиб берилган. Ислом Каримов ўз ҳаётий тажриба ва кузатишларига суяниб, ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси ҳаёт-мамот масаласи эканлиги, ота-оналар, маҳалла фаоллари ва устоз-мураббийлар фаолиятидаги энг устувор вазифа сифатида қаралиши лозимлигини қайд этади.

Ҳар қандай жамият ўзига хос ривожланиш йўлини танлар экан, олдига муайян мақсад ва вазифаларни қўяди. Зеро, бу вазифалар жамият, давлат, халқ ва миллат тараққиёти ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маърифий, таълим-тарбия ва мафкуравий жараёнларнинг узвий бирлиги асосида амалга ошади. Инсон ҳеч қачон ташқи дунёдан, ўзини қуршаб олган оламдаги ўзгаришлар, рўй бераётган ҳодисалар, воқеа жараёнлардан ажралиб қолган, уларни ҳис этмаган ҳолда уларнинг таъсирисиз яшай олмайди. Халқлар, миллатлар, ижтимоий - сиёсий кучлар фаолиятида содир бўлган турли мазмундаги ҳодиса ва жараёнлар, айниқса ғоявий ҳамда мафкуравий омиллар одамлар онги, тафаккури ва дунёқарашига таъсир этади.

Ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ножўя ҳатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқнинг юзага келиши учун йўл қўйилган камчилик ва эътиборсизлик туфайли содир бўлмоқда. Ғоявий бўшлиқни юзага келиши энг аввало чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий-психологик муаммо ва жараёнлар билан боғлиқ. Одатда, янги ғоялар турли таъсир кучига эга бўлади. Айрим гуруҳлар уларни тез қабул қилади, баъзи тоифаларнинг аввалиги мафкуравий ақидалардан юз ўгириши ва янги ғояларни қабул қилиши эса қийин кечади. Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишининг

яна бир манбайи - жамиятда бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараёнларнинг ўз ҳолича ташлаб қўйилганлиги ҳам бўлиши мумкин. Агар давлат ёки миллат, ижтимоий гуруҳ ёхуд қатлам ўз манфаатларини, мақсад-муддаоларини аниқ-равшан ифода этадиган ўз ғояларини кишилар, айниқса, ёш авлод онгига мунтазам сингдирмаса, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлиши мумкин. Бундай шароитда ишонч-эътиқод сусайиб, мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Ўз мустаҳкам ғояси йўқ, эътиқоди бўш одамлар эса, таъсирга тез берилувчан бўлади, ўз йўлини йўқотиб қўяди, бундай ҳол жамиятга жуда катта зарар етказади.

Мавзунинг ўрганилиши. Тадқиқотнинг назарий асоси булиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида мустақиллик даврида илм-фаннинг равнақи ҳақида ёритилган ғоялари¹ ва миллий истиқлол ғояси фанига оид манбалар ташкил этади.

Курс ишининг мақсад ва вазифалари:

- Ислом Каримов асарларида ғоявий таҳдидлар ва унинг зарарлари ҳақидаги фикрларини ўрганиш;
- Глобаллашув даврида ғоявий таҳдидлар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка, таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. 31-40, 125-135, 149-162 - б.; Каримов И.А. Жамият мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. Т.7.- Т.: «Ўзбекистон», 1999. 84-102-б.; Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. 489-508-б.; Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: «Ўзбекистон», 2000; Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. 462-467-б.; Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига сўз боши. Т.9. - Т.: «Ўзбекистон», 2001. 220-224-б.; Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан, ҳамкорлик йўли. - Т.: «Ўзбекистон», 2003; Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч - қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. -Т.: «Ўзбекистон», 2004; Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: «Ўзбекистон», 2003. -320-б.; Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: 12. -Т.: «Ўзбекистон», 2004. - 400 б.; Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. -Т.: «Ўзбекистон», 2005. - 96 б.; Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т.: «Ўзбекистон», 2005. - 160 б.; «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». Президент Ислом Каримовнинг «Fidokor» газетаси муҳбири саволларига жавоблари.// Fidokor, 2000 йил 8 июнь; Хайрли ният самарасиз бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти САММИТидаги нутқи.//Халқ сўзи, 2003 йил 3-июнь..

- Ғоявий таҳдидларни олдини олиш омиллари ва воситаларини ёритишдан иборат.

2. Ислом Каримов асарларида ғоявий таҳдидлар ва унинг зарарлари ҳақида

XX асрнинг II ярмида умуммусулмон цивилизацияси ҳудудида жойлашган айрим давлатлар тараққиёти тажрибаси, афсуски, баъзиларида, хусусан, Ғарб дунёсида Ислом динининг жамият ривожланишига кўрсатиши мумкин бўлган ижобий таъсири ҳақида жиддий шубҳалар туғилишига сабаб бўлади. Масаланинг таассуфли жиҳатларидан яна бири шундаки, ҳақиқий исломнинг асл моҳиятидан йироқ кўринишлар охириги йилларда айрим олимлар томонидан олға сурилаётган цивилизациялараро қарама-қаршилик ва зиддиятлар ҳақидаги сунъий назарияларни озиклантирмоқда, турли маданиятларни қиёслаш жараёнида умуммусулмон маданиятининг салбий жиҳатларини бўрттириб кўрсатишга дастак бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида мамлакатимиз шароитида дунёвий давлатнинг дин билан муносабатларини аниқлаштирувчи асосий тамойиллар қаторига:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қадриятларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, унга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш умуминсоний ахлоқий қадрият-ларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурияти;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш” киритилган.

Дунёвий жамият қуришни кўзлаган давлатимизнинг динга муносабатини белгиловчи зикр этилган конституцион мезонлар ва Президентимиз фикрларидан қуйидаги иккита асосий хулоса келиб чиқади:

Биринчидан, Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий ва адолатли дунёвий жамият қуриш концепциясида дин маданий-маънавий омиллар умумий силсиласига кирувчи барча миллий кадриятлар қаторида тенг ҳуқуқли кадрият сифатида сўзсиз тан олинади. Мустақил ривожланиш йилларида ушбу мезоннинг ҳаётга нечоғлик изчил татбиқ этилаётганини фақат қалби кўр, адолатга хусумат билан муносабатда бўлган кимсаларгина инкор этиши мумкин;

Иккинчидан, соф диний эҳтиёжларни қондиришдан ташқарида бўлган ҳар қандай ғаразга эришиш йўлида диний омилдан фойдаланишга интилиш қатъиян ман этилади.

Президент ҳақли равишда, диннинг Ўзбекистон фуқаросини тарбиялашдаги катта имкониятларига ишонади ва “биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий-ахлоқий ва маънавий кадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз”, деб таъкидлайди. “Лекин биз, деб давом этади И.А.Каримов, - ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз”.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” қонун қабул қилингандан ўтган 7 йил вақт ичида бу соҳада мустақил Ўзбекистонда анча тажриба тўпланди. Ана шу тўпланган тажрибаларни умумлаштирган ҳолда 1998 йил апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юқоридаги қонунни янги таҳрирда қабул қилди¹.

¹ Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрирда). Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т., 1998 йил.

Ўзбекистонда диний экстремизм ва ақидапарастликнинг ислом ниқобидаги экстремизми ва ақидапарастлиги шакли мавжуд ва айнан шу омил миллий хавфсизлигимизга таҳдиддир.

Ақидапарастларнинг ғоялари ўта зарарли бўлиб, уларнинг фикрича биз миллатимизни жаҳонга танитган алломаларимиз Хоразмий, Беруний, Форобий, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва тарихимиздаги барча улуғ зотлардан маҳрум бўлишимиз керак. Чунки ақидапарастлар назарида қаерда тасаввуф бўлса, комил инсон ғояси бўлса, буларнинг барчаси исломга ва бизга ёт ва бегона эмиш. Улар комил инсонни куфр, деб билишади. Уларнинг фикрича инсон комил бўлиши мумкин эмас. Имом Термизий, Нажмиддин Кубро, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий сингари буюк зотлар, жумладан ота-боболаримиз хилхоноларини ва муқаддас жойларни тавоф ва зиёрат қилмаслик керак эмиш. Буларнинг барчаси бизнинг турмуш тарзимиз, миллий хусусиятларимиз, анъаналаримизнигина эмас, халқимизнинг ўзига хос психологиясини ҳам барбод қилишга қаратилгандир. Тасаввуфнинг комил инсон ғоясида инсоннинг эрки ва тараққиёти ифодаланганлиги диний ақидапарастлар ғзабини келтиради. Ақидапарастлик - жаҳолатдан бошқа нарса эмас. У инсонни бир муте, кул, тақдирнинг ўйинчоғи деб қарайди, инсон қалби, маънавий эҳтиёжлари билан мутлақо ҳисоблашмайди.

Фундаменталистлар эса тасаввуф таъсирида шаклланган адабиёт, фалсафа, санъатдан ҳам воз кечиш, умуман ақл ва ҳис билан яратилган барча нарсаларни йўқ қилишни талаб қиладилар.

Ақидапарастлик ва фундаментализмнинг намоён бўлишига ҳаракатни дунёнинг баъзи мамлакатларида бугунги кунда мавжуд ҳукмрон диндан бошқа динни тарғиб қилганлар жазоланганлиги, бошқа дин ва унинг маданий ёдгорликларига мурасасиз муносабатда бўлиб, уни йўқ қилишга уринишларида кўришимиз мумкин. Масалан, Афғонистон ҳудудидаги

буддизм динига мансуб 15 аср илгари бунёд этилган Бамиён шаҳридаги маданий ёдгорликлар ҳам йўқ қилинишига фатво берилиб, дунёдаги энг йирик ва ноёб Будда ёдгорликлари ўққа тутилиб, бузиб ташланди. Бу жоҳилона ҳатти-ҳаракатлар ислом дини ва тасаввуф таълимотининг ўзга динларга бағрикенгликка асосланган муносабатларига мутлақо зид бўлганлиги учун ҳам бутун дунё мусулмонлари ва барча тараққийпарвар кучлар томонидан қораланди¹.

Ислом динининг тасаввуф таълимоти аҳли эса тарихда ҳаётга, жамият ва инсон масалаларига кенг қараганлар. Бу чин маъноси билан инсонпарварлик таълимотидир. Чунки суфийлар, гарчи чин мусулмон сифатида шуҳрат қозониб, ислом дини учун курашган бўлсаларда, аммо ҳеч қачон ўзга динларни камситмаганлар. Шу сабабли ҳам тасаввуф диний бағрикенглик таълимоти, инсон камолатига йўл қидирган ҳамда жаҳолатга қарши курашиб келган маърифий таълимотдир.

Ақидапарастликка қарши турадиган куч - бу илм-маърифатдир. Асримиз бошида ҳам жаидлар янги мактаблар ташкил этиб, ёшларга дунёвий билим бериб, ақидапарастликка қарши курашган эдилар. Ақидапарастлар «динни тозалаш», «соф динга қайтиш» ниқоби остида ташвиқот олиб бориб, одамларни таҳликага солиш, қонли жиноятлар содир этиш, жамиятни хавф остига қўйишга уринмоқдалар. Уларнинг бу ҳатти-ҳаракатлари ёш мустақил давлатимизга очикдан-очик тажовуздан бошқа нарса эмас, у миллий мустақиллигимизга ҳам қатта таҳдиддир.

2001 йил 11 сентябрда Вашингтон ва Нью-Йоркдаги даҳшатли воқеалар, террористик тажовузлардан сўнг Дуне миқёсида глобал бўлиб турган масалалар, терроризмнинг даҳшатли башараси намоён бўлганидан кейин, инсониятнинг келгуси тараққиёти учун аввало, терроризм балосидан

¹ Сафоев Ж. Ваҳҳобийлик ва унинг мақсади (проф. Н.Комилов билан суҳбат). Ўзбекистон овози, 1996 йил 21 апрель.

кутулиш, биринчи даражадаги ечилиши лозим бўлган муаммо эканини кўрсатди.

Бугунги халқаро сиёсий сахнада давлатлараро учрашувлар ва турли саммитларда бу бало-қазога фақатгина биргаликда курашиш ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш орқалигина эришиш мумкин эканлиги ҳақида кўп гапирилмоқда ва кеч бўлса ҳам якуний хулоса сифатида қабул қилинмоқда.

Бир неча йил давомида, терроризмга қарши биргаликда курашиш, Афғонистондаги мураккаб вазият хусусида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов халқаро ҳамжамиятга тинмай мурожаат қилиб келган эди. Чунки, Собик СССР парчаланиши натижасида сиёсий кучларнинг жаҳоний қарама-қаршилиги барҳам топган бўлсада, дунёда тинчлик, барқарорлик ҳали мўрт, мураккаб ва муаммоли бўлиб қолаверди. XXI аср бўсағасида дунёда, унинг жўғрофий-сиёсий тузилишида туб ўзгаришлар юз бериши муносабати билан эндиликда мамлакат хавфсизлиги энг долзарб масалага айланган¹.

11 сентябрдаги қонли террорчиликдан кейин АҚШ халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилиб, ҳар бир мамлакатдан террорга муносабатини белгилашни ва уни эълон қилишни сўради. Ушбу масалада «Сиз ё биз билан, ё биз билан эмассиз» деган қатъий фикр ҳатто ультиматив тарзда қўйилди. Америка Қўшма Штатларининг бу чақириғини юздан ортиқ мамлакатлар қўллаб-қувватлаб чиқдилар.

Терроризмга қарши қаратилган умумдунё яқдиллиги ҳамда бугунги халқаро ҳамжамият фаолиятининг бош йўналишига ва халқаро ҳаётни мувофиқлаштирувчи энг нуфузли ташкилотларнинг ҳақиқий ташвишига айланди.

Мазкур масаланинг моҳиятини очиб бериш учун, давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилда бўлиб ўтган Истамбул Саммитида қилган маърузаларида Халқаро терроризмга қарши курашувчи ягона марказ тузиш лозимлиги тўғрисидаги

¹ Терроризм – тараққиёт кушандаси. Тошкент, 2002, 35-45-бетлар.

таклифи, шунингдек, БМТ нинг 2000 йилда бўлиб ўтган «Минг йиллик Саммити»да қилган маърузаларида мазкур масала юзасидан ўртага ташлаган таклифлари мисол келтириш мумкин.

Ёш авлодни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар, айти пайтда унинг ривожига тўсиқ бўлаётган эски замондан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очиқ сўз юритишимиз лозим. Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, кариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш ҳақида ўйлашимиз лозим. Бу ўта муҳим вазифа кенг жамоатчилик айтганда зиёлиларимиз, олимларимиз ва дабларимиз, санъат ва маданият аҳли, умуман ўзини маънавият соҳасига бағишлаган барча инсонларнинг доимий диққат марказида бўлиши керак. Бу ўринда ана шундай салбий хусусиятларнинг энг хунуги бўлмиш ҳасад тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим. Одамзод ва жамият ҳаётида оғир асоратлар қолдирадиган ҳасад туйғуси авваломбор бошқаларни кўролмаслик уларнинг ютуғларидан қувониш ўрнига қандайдир куйиниш, ичиқоралик оқибатида пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам муқаддас китоблапримизда ҳасад инсонийликка мутлақо зид жирканч одат сифатида қаттиқ қораланади. Жумладан муборак ҳадисларимизда «Бировга ҳасад қилишдан сақланинг, чунки олов ўтинни қандай куйдириб тугатса, ҳасад ҳам қилган савоб ишларингизни худди шундай куйдириб тугатади», деб айтилгани бежиз эмас.

3. Глобаллашув даврида ғоявий таҳдидлар

Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида глобаллашув жараёни, унинг мазмун-моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатларини ҳар томонлама таҳлил этиш, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан курашишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар фаслида дунёни тез суръатлар билан ўзгартираётган “глобаллашув” ҳодисасининг кўлами ва

таъсири бугунги кунда кенгайиб, кучайиб бораётгани таъкидланади. “Шу маънода, — деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов, — глобаллашув — бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир”.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Асарда глобаллашув даврида давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулай имкониятлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши каби ижобий жиҳатларига эътибор қаратилади. Президент И.А.Каримов глобаллашув жараёнининг айни пайтда мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси сифатида турли сиёсий кучлар манфаатларига хизмат қилаётганини, ушбу жараён орқали миллий кадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар ёпирилиб кириб келаётганини, буларнинг барчаси қандай салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳаётий мисоллар асосида ёритиб беради. Хусусан, асарда бугунги кунда инсон маънавиятига йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюлган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкинлиги уқтирилади. Дарҳақиқат, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб олиш қийин. Шу маънода, Президент И.А.Каримов нинг тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш, лоқайдлик ва бепарволикка барҳам бериш ҳақидаги даъватлари ғоят муҳим аҳамият касб этади. Китобда ҳақли равишда таъкидлаганидек, бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда

ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз тарзда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин.

Асарда бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг ғаразли манфаатларига эришиш учун “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш ғоятда муҳим экани таъкидланади. Шунингдек, ҳисобга олган ҳолда, ҳалқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида ҳолисона ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси сифатида тилга олинади.

Шунингдек, асарда коммунистик мафкура ва унинг ахлоқий нормаларидан воз кечилганидан кейин вужудга келган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши неча минг йиллик анъана ва қадриятларимиз, турмуш тарзимизнинг маънавий негизларига жиддий таҳдид қилиши, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солиши мумкинлиги таъкидланиб, бундай хуружларга қарши курашиш ғоят муҳим экани уқтирилади.

Қисқача айтганда, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли ҳулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда.

Ёш авлодда нафақат ўз ҳаёти, оила аъзолари, Ватани ва миллати олдидаги, балки атроф-табиат, бутун қурраи замин ва жами башарият олдидаги **масъулият туйғусини** шакллантириш бугунги кун таълим-тарбия тизимининг энг муҳим масаласи бўлиб турипти.

Ўзбекистон республикаси Президенти маънавиятга қарши турли хуружлар ҳақида гапирар экан, таъкидлаб ўтадики: *“Бу ҳақда гапирганда,*

фақат битта миллат ёки халқ ҳақида фикр юритиш масалани ўта тор тушуниш бўлур эди. Яъни, бу ўринда сўз фақат бизнинг маънавиятимизга қарши қаратилган тажовузлар ҳақида, азалий фазилатларимиз, миллий қадриятларимизни ана шундай ҳужумлардан асраш хусусидагина бораётгани йўқ. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир”. Масалага бундай кенг қамровли ёндошув кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Президент И.А.Каримов нинг ўзи ҳам эслаб ўтганидек, бизнинг улуғ аجدодларимиз барчаси “ўз ижоди билан нафақат икки дарё оралиғидаги халқларни, балки бутун башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашига” даъват этиб келганлар.

Инсоннинг қалби ва онига жо бўлган миллий маънавий-ахлоқий негизлар уни бутун умри давомида ҳалол, пок, билимли, халқ хизматида бўлишга, Ватан равнақи ҳамда тараққиётига ҳисса қўшишга, ўзининг онгли ва эркин мушоҳада қилувчи шахс сифатида камол топишига муттасил равишда ундайди. Президентимиз И.А.Каримов доимо таъкидлаб келганидек: “...Фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларимиз асосида, ўз фикру тафаккури ва замонавий билимга эга бўлган ватанпарвар этиб вояга етказиш – барчамизнинг оталик ва оналик бурчимиздир.” Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга ҳозирги замон талаблари даражасида билим ва тарбия бериш, уларни юксак маънавиятли, онги ҳарқандай салбий таъсирларга нисбатан бардошли қилиб вояга етказиш – бугунги кун таълим муассасаларининг асосий вазифасидир, чунки фақат ана шундай инсонларгина келажакда одил жамият пойдеворини ярата оладилар.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “...Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсакгина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт камол топади” деган сўзлари айни шу маънони англатади. Бу эса ҳар биримизнинг фарзандларимиз, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолоти, ғоявий

чиниқишига, ҳар хил бузғунчи ғоя ва мафкураларга қарши мурасимсиз курашчи руҳида тарбиялашга масъулият билан ёндашишга ундайди. Айнан фарзандларнинг камолоти – эртанги кунда барчамизнинг тинч ҳаётимизни таъминлайди. Бунинг учун уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларга ҳурлик, озодлик, демократик тамойилларга асосланган ҷамият барпо этиш, эркин фуқаролик ҷамият асослари ҳақида тушунча бериш барчамизнинг бурчимиздир.

Турли миллатлар маънавиятининг ўзига хослиги камалакдаги турли ранглар товланишига монанд бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, бойитади, аммо инкор этмайди, бир сўз билан айтганда, маънавият элларни зидлаштирмайди, балки бирлаштиради. Аслида умуминсоний қадриятларни бирор-бир алоҳида халқ яратмайди, бу қадриятларни ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўз тарихий таҷрибаси билан аста-секин шакллантириб боради ва ўзаро турлича муносабатлар жараёнида элатлар, миллатлар бир-бирини тушуниб, ўзаро маънавиятларидаги умумий жиҳатларни тадрижий англаб боради.

Минг йиллар давомида ер юзидаги турли минтақаларда яшаган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқалари ҳозирдагидек яқин бўлган эмас. Асрлар мобайнида ер юзида турли маданий минтақалар шаклланган. Европа халқларининг умумминтақа маданияти, жануби-шарқий Осиё халқлари минтақа маданияти, Ҳиндистон яримороли ва унга қўшни ҳудудларда яратилган умумий маданият ва бошқа бир қатор минтақалар маданияти - буларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ қилувчи қатор диний эътиқод, фалсафий мактаблар, санъат ва адабиёт, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос уйғун бир тизимларини вужудга келтирган-ки, аҳли башарнинг бундай бебаҳо мулкини, маънавий ҳазиналарини бефарқлик билан бир-бирига қориштириб юбориш мутлақо ижобий натижалар бермайди.

Бутун дунё халқлари бир-бирини тушуниб яшашга интилмоғи лозим. Душманлик, ғайр кўзи билан қараш эмас, меҳр башариятни бирлаштиради. Бу улуғ ҳақиқатни бизнинг аجدодларимиз аллақачон англаб етганлар. Аммо ўзгани тушуниш учун, ўзгага меҳр кўзи билан боқиш учун, аввало, инсон

Ўзлигини англаб етмоғи керак. Ўзлигини англамаган зот ҳеч қачон ўзгани тушунмайди, уни холис қабул қилмайди. Асли миллий маънавиятимизга бугунги айрича эътибор ҳам ушбу ўзлигимизни англаб етишга бўлган кучли эҳтиёж натижасидир.

Биз миллий урф-одатларимиз, маросимларимизга баҳо бермоқчи бўлсак, бутун инсоният манфаатлари нуқтаи назарини, алоҳида шахс эркинлиги, Ватан ва миллат манфаатларини, миллий қадриятларимиз мажмуини яхлит уйғунликда олиб қарамоғимиз талаб этилади. Агар шу уйғунликка моҳиятан мувофиқ бўлса, ёхуд лоақал унга зид бўлмаса, демак, мақбул, аммо инсонлараро зиддият туғдирса, нифоқ солса, ёки ўзга шахс эркини бўғса, Ватан ва миллат манфаатларига зид бўлса, демак, мақбул эмас. Аммо миллий маънавиятимизни қадрлашимиз, уни ривожлантиришга уринишимиз, кимлардир талқин қилмоқчи бўлаётганидек, ўзга халқлар маданиятини менсимаслик ёки миллий худбинликка берилишни англатмайди, балки узок йиллик қарамлик асоратидан қутулиб ўзлигимизга қайтиш, ўзлигимизни англаб етишга уринишни билдиради. *“Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажagini белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади”.*

XIX-XX асрлар давомида фан ва маданият тараққиёти жиҳатидан Европа минтақаси бошқалардан узил-кесил илгарилаб кетди ва натижада “жаҳон фани”, “умуминсоний қадриятлар” деганда биринчи навбатда Европа маданияти унсурлари тасаввур этила бошланди. Янги даврдаги бу минтақанинг ютуқлари кўп жиҳатдан маданий интеграция жараёнлари билан боғлиқ. Бу даврда Европа халқлари (инглизлар, немислар, французлар ва ҳ.к.) минтақа миқёсидаги ўзаро маданий ахборот алмашинув доирасидан чиқиб, ўзга минтақаларда яралган бойликларни ўзлаштира бошладилар. Шарқшунослик кенг ривож олди. Турли фан соҳалари шарқшуносларнинг ютуқларидан ижодий фойдалана бошладилар. Европаликларнинг Осиё ва Африка мамлакатлари ва халқлари ҳаётини ўрганиши, бир томондан,

уларнинг олам ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириб, турли минтақа халқларининг бир-бирларини тушуниш, ўзаро эркин мулоқот қилиш имкониятларини оширган бўлса, иккинчи томондан, муайян ғаразли кучлар учун ўзларига қараганда иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан заифроқ бўлган юртларни босиб олиш, қарамлик асоратига солишга бўлган интилишлари йўлида хизмат қилди.

XX аср охири - XXI аср бошларига келиб интеграция жараёнлари янада авж олди, замонавий ахборот технологияларининг бемисл ривожига ва ягона жаҳон ахборот майдонининг шаклланиши бу жараённинг янги босқичга кўтарилишига, Президентнинг янги китобида топиб айтилганидек, *“цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши”*га олиб келди.

Сиёсатга доир илмий адабиётларида бундай жараён **“глобаллашув феномени”** деб номланмоқда. **“Юксак маънавият – енгилмас куч”** асарида бу ҳодиса оддий қилиб *“ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви”* деб тушунтирилади.

Башарият тараққиётидаги бундай ўзгаришларни узил-кесил “яхши” ёки “ёмон” деб, салбий ёки ижобий ҳодиса сифатида баҳолаб бўлмайди. Китобда ёзилганидек, *“ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиши мумкин.”*

Президент китобида **глобаллашув ва** интеграция жараёнларининг талай ижобий имкониятлари бирма-бир санаб ўтилади. Уларни умумлаштириб айтиладиган бўлса, биринчи навбатда турли соҳаларда (жумладан, иқтисод, сиёсат, маданият соҳаларида) *“давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши”*га хизмат қилиши мумкин, ва дарҳақиқат, бундай ҳамкорлик муносабатлари кундан-кунга кенгайиб ва рангбаранглашиб бораётганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Шу билан бирга дунёда барча одамлар ҳам эзгу ниятлар билан иш олиб боради, дейиш қийин. Баъзилар учун бу ҳаётда вужудга келган ҳар бир янгилик уларнинг ўз ғаразли мақсадларига қулай бир восита хизматини бажариши керак. Жумладан, жаҳонда ягона ахборот майдонининг вужудга

келиши ҳам бундай бузғунчи кучлар учун “айни муддао” бўлди. Улар зудлик билан бу қудратли воситани ҳам ўз қабих ниятлари йўлида ишга солиш ҳаракатига тушдилар. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, бундай ёвуз ниятли кучларнинг Ватани ҳам, миллати ҳам, дину имони ҳам йўқ. Улар гоҳ “исломий” қиёфада, гоҳ *“эркинлик ва демократияни олға силжитиш”* ниқоби остида ҳаракат қилишлари мумкин.

Президент И.А.Каримовнинг янги китобида инсонларнинг Борлик ҳақиқатига муносабатидаги икки хил ёндошув, “бир-бирини инкор қиладиган икки хил ҳаётий қараш” ҳақида гап боради:

“Биринчиси – ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, ҳолис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётий қарашлар.

Иккинчиси – бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндошув, яъни, ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашлари.

Мана шундай икки хил дунёқараш асосида пайдо бўладиган оғир саволлар одамзот онгли яшай бошлаган замонлардан буён уни ўйлантириб, қийнаб келади...”

Шу ўринда савол туғилади: бефарқлик, лоқайдлик билан ёвузлик орасидаги муносабат қандай? Тан олиш керакки, дунёда сон жиҳатидан олинса, мутлақ ёвуз одамлар жуда камчиликни ташкил қилади. Улар аслида одам ҳам эмас, цунами, тўфон ёки зилзила каби “худонинг бир балоси”. Шундай экан, қандай қилиб жуда озчилик бўлган бу тоифа баъзан миллионлаб инсонлар устидан ўз ҳукмини юргиза бошлайди? Айни юқорида айтилган ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида бош қотиришни ошиқча иш деб биладиган, Аллоҳ ва башарият олдидаги ўз бурчини эслашни ҳам

истамайдиган, фақат нафс кайғуси ва ўткинчи ҳою ҳавасга берилиб кун кечирадиган одамларнинг бефарқ ва лоқайдлиги туфайли бундай ёвуз кучлар ўз макру ҳийлаларини бемалол амалга оширишга муваффақ бўладилар. Чунки бундай кимсалар кўпинча ўзлари сезмаган ҳолда ёвузлик кучларига хизмат қилувчи даҳшатли қуролга айланиб қоладилар. Шу сабабли Президентнинг янги китобида бефарқлик ва лоқайдлик асл инсонийликка зид турувчи қусур сифатида каттиқ қораланади.

4. Ғоявий таҳдидларни олдини олиш омиллари ва воситалари.

Мустақилликнинг дастлабки ва энг олий неъматини ўзликимизни англаб етиш бўлди. Ўзликимизни англаб етган тафаккурнинг биринчи белгиси миллий ғоя, миллий мафкурадан баҳраманд бўлишдир. Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик миллий мафкура доирасида учраши мумкин бўлган ички ихтилофларнинг олдини олди ва уни кенг миқёсда ёшлар қалбига кириб боришига имкон яратди. Ёшлар онги ва тафаккурида ўзгариш кучаяр экан, улар ўз ҳаёти ва истиқболини миллат ҳамда мамлакат истиқболи билан боғлиқ эканлигини чуқур ҳис қила бошлаганини англатади. «Дунёда ёшлар онги ва қалбини эгаллашга» уринишлар сақланиб қолмоқда. Айниқса, ёшлар тафаккури, дунёқарашини шакллантириш масалаларига бефарқ бўлмаслик керак. Демак, мафкуравий таҳдиднинг сақланиб қолиши ёшларни ҳам ўйлашга ундайди.

Ғоявий таҳдид юзаки қараганда бирдан ва бевосита кўзга ташланмаслиги мумкин. Чунки ғоя инсон онги, тафаккурида шаклланади. Шунга биноан, онгни, тафаккурни таҳликага солувчи ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик зарур.

Дунёвий фуқаролик жамиятида ҳар ким ўз ишини қилиши, шуғулланиши, шунингдек, «дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилиши» керак. Давлат диний масалаларга аралашмаганидек, дин ҳам давлат ишларига, сиёсий жараёнларга аралашмаслиги керак. Агар ёшларимиз орасида ўз мамлакатада диний қадриятларнинг ривожини, маънавий юксалишнинг жамолини кўришга хайрихоҳлар бўлар экан, улар, биринчи

навбатда, замон фарзанди, миллий ғоя ва миллий мафкура эгаси бўлган билимдон ва маърифатли инсон бўлмоғи лозим. Улар азалий ва абадий маънавий қадриятларимиздан узилмаган ҳолда замонавий тафаккур даражасидаги билим ва идрокка эга бўлишлари керак».

Миллий ғоя, миллий тафаккур ва миллий мафкура йўлида ёшлар канчалик бирлашса, жипслашса жаҳон халқлари кўз ўнгида кучимиз, мавқеимиз ва ўрнимиз шунчалик баланд кўтарилади. Биз бошқа давлатларга суяниб, бошқа давлатларни паноҳ тутиб, уларнинг этагидан ушлаб юрадиган давлат, халқ эмасмиз, мустақил сиёсат, мустақил тафаккур ва мустақил ҳаракатларгина доимо бошқаларда ҳурмат ва эътибор уйғотган. Мутелик, тобелик меваси ҳар қандай шароитда миллатнинг ривожланишига йўл бермайди.

Соғлом дунёқарашни шакллантириш учун қуйидаги объектив шарт-шароитлар ва омилларга эътибор бериш зарур:

- 1) Ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий муҳитга.
- 2) Соғлом ғояларга.
- 3) Сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўсишига.
- 4) Ёшларнинг билим даражасига.
- 5) Одатий, анъанавий фикрлаш тарзидан янгича илғор фикрлашга ўтиш.

Мафкуравий тарбия восита ва омиллари:

1. Сўз ғоявий таъсир воситаси.
2. Эзгу фикр таъсирчанлиги.
3. Эзгу ғоя ва эътиқодни шакллантириш омиллари.
4. Таъсир кўрсатувчи шахс - таълим берувчи.
5. Гапираётган кишининг ёқимтойлиги.
6. Ахборотнинг мазмуни.
7. Таъсир воситаси (алоқа тармоғи). Тарбияда яна бир омил - маълумотнинг нима воситасида узатилиши масаласи:
 - 1). Ижтимоий реклама.

2) Аудитория: аудитория психологик жиҳатдан 4 тур билан фарқланади:

а) Пассив ўзлаштирувчи аудитория.

б) Фаол, ижтимоий жиҳатдан баркамол аудитория.

в) «Эътиқоди суст» аудитория.

г) «Муқим уй» аудиторияси.

“Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда”, - деб ёзади Президент ўз китобида ва бундай хатарли ҳолатдан фақат ўз халқини эмас, балки бутун жаҳон афкор оммасини огоҳлантириш лозим деб билади.

Биз бошқаларга ақл ўргатмоқчи ёки “бу ишинг - тўғри, буниси – нотўғри” деб ҳакамлик қилмоқчи ҳам эмасмиз. Биз фақат ўз фарзандларимизни турли ахборот воситалари орқали ёпирилиб келаётган бало-қазолардан ҳимоя қилмоқчимиз, улар онги-шуурида она сути, аجدодлар ўғити, халқ ҳикмати орқали ўзлашган мустақил миллий қадриятларга садоқат, ўз инсоний фазилатларини дадил ҳимоя қила оладиган жасорат уйғотмоқчимиз, халос. Шу билан бирга ўзимизнинг ҳаётдаги турли қарашларга муносабатимизни ҳам очик баён қилмоқдамиз, зеро ошкоралик бўлмаса, тафаккур эркин бўлмаса, маънавият соҳасида бирор салмоқли натижага ҳеч қачон эришиб бўлмайди.

“Маънавий таҳдид деганда,- ўринли изоҳ бериб ўтади Президент, - аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, гоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман.”

Президентимиз топиб айтганидек, *“кимдир Раҳмон измида юрса, кимдир шайтон измида юради,”* ҳаркимнинг гуноҳи ҳам , савоби ҳам ўзига. Аммо бостириб келаётган хавфни кўриб туриб, кўрмасликка олиш, ҳозир-ю

хузури, ўзимнинг ишим битса бўлди-да, ўзга билан нима ишим бор, деган кайфият бизга тўғри келмайди. Қолаверса, гап биздан кейин шу юртнинг чироғини ёқиб ўтирадиган болажонларимиз тақдири устида кетаяпти.

Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, бугунги кунда яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ва зиддиятлар фақат салтанатлар, халқлар ва шахслар ўртасида эмас, балки ҳар биримизнинг қалбимизда, онгимизда кечмоқда¹. Яъни бу муаммолар фақат ёш авлодгагина тааллуқли эмас. Душман очиқ-ойдин ўзини кўрсатмайди: сиз махсус кабел орқали берилиб кино кўриб ўтирибсиз, ёки интернет орқали муайян сайтлардаги маълумотлар билан танишаяпсиз, кўчада турли рекламалар дикқатингизни тортаяпти, эҳтиёт бўлинг, сизни керакли йўналишда “тарбия” қилишаяпти, ўз қарашларини турли воситалар билан онгингизга сингдиришаяпти. Шундай, *“улар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва зоялар пардаси остида иш кўради.”* Биз эса сал ғафлатга берилсак, онгимиздаги ўзгаришларни ўзимиз ҳам пайқамай қоламиз. Гўёки ҳеч ким бизга тажовуз ҳам қилгани йўқ, мажбур ҳам қилгани йўқ, биз ўз ихтиёримиз билан “мустақил” равишда шу “хулоса”га келдик. Бу ерда таъсир ўтказишнинг шундай маккорона усуллари қўлланмоқда-ки, унча-мунча одам ғафлатда қолиши ҳеч гап эмас. Аслида имонли, эътиборли инсон бундай макру ҳийлаларни жуда осон билиб олса бўлади – улар барчаси инсонлар онгининг энг тубига жойлашган биологик (ҳайвоний) инстинктларни кўзгашга қаратилган, бундай филмларда энг эзгу ниятлар ҳам кўлда автомат билан амалга оширилади, энг ижобий қаҳрамонлар ҳам шахватга берилади, оддий ҳазиллар ҳам ўзини ҳурмат қилган инсон учун ҳақоратли ҳолатлар шаклида ёки ҳаёсиз ибораларда ифодаланади.

“Ўнда қилиб айтадиган бўлсак, - хулоса қилади Президент, - бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади.”

¹ Маънавий юксалиш йўлида. Т., 2008. 40-41-б.

Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун курашнинг намоён бўлиши ҳар қачонгидан шиддатли тус олаётгани яққол кўзга ташланмоқда: дунёнинг мафкуравий манзарасининг ўзгариб бориши; геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг уйғунлашиб бориши; мустақилликни қўлга киритган мамлакатларда мафкуравий тамойиллар аҳамиятини ошиб бориши; мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ва шу қабилар.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифаларидан бири ушбу жараёнларга мос келадиган, янгича фикрловчи авлодни тарбиялашдан иборат бўлиб қолмоқда.

Миллий меросимиз, қадриятларимиз қайта тикланиши, миллий ўзлиқни англашнинг ўсиб бориши туфайли одамлар онгида, тафаккурида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Маънавий-маърифий жараёнлардаги ўзгаришлар одамларимиз қалби ва онгига сингиб, уларда келажакка, ўз кучига, ўз имкониятига ишонч, Ватанга муҳаббат, эркинликни хиссини тарбияламоқда. «Энг муҳими, аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг узок йиллар мобайнида коммунисттик ва совет мафкураси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқараши, бир сўз билан айтганда одамларнинг ўзи ўзгарди». Фақат истиқлол халқимизга ўз Ватанида ўзини эркин хис этиш, эркин фикрлаш, мустақил тафаккур юритиш имконини берди. Ва у кенг қўламдаги сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларни амалга оширишда асосий куч-қудрат бўлиб хизмат қилмоқда. Мустақиллик даврида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказаятган тадқиқотларни таҳлил қилиш бу соҳадаги ишлар эндигина бошланаётганидан гувоҳлик беради.

“Бизнинг улуг аجدодларимиз, - деб ёзади Президент, - ўз даврида қомил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тил билан айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли деб биламан”.

Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш бугунги кунда энг долзарб муаммолардан иборат. Мустақиллигимиз бу саъй-ҳаракатларимиз самарали

бўлишининг ишончли кафолатидир. “*Фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш*”дан, шу йўл билан улар онгида “*мафкуравий иммунитет*” ҳосил қилишга уриниш зарур, миллатимиз яна буюк миллат бўлади, авлодларимиз аجدодларимизга муносиб қудрат касб этади.

Хулоса

1. Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак- бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу маънода, глобаллашув-бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.

Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда.

2. Диний ақидапарастлик ва бошқа ёт мафкуралар энг аввало ёшларнинг айрим қисмининг ғоявий-сиёсий тажрибасизлигига таянади. Ёт мафкура ва

бузғунчи таъсирлар билан кураш мафкуравий тарбияда лоқайдлик, бефарқлик кайфиятининг ҳар қандай кўринишларига мурасасизликни тақозо қилади.

3. Қарши тарғибот самарадорлигининг зарурий тамойилларидан бири - унинг тезкорлигида бўлиб, унда муайян минтақавий шароитларни, кишиларнинг ёш хусусиятларини, олий ўқув юртининг у ёки бу муддатда ҳал қила олиши мумкин бўлган мафкуравий имкониятларини ҳисобга олиш кўзда тутилади.

3. Шахснинг мамлакат ичкарасида ва ташқарисида содир бўлаётган воқеаларни мустақил таҳлил қила олиши, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлайди.

Чунки ғоявий таҳдид ўзининг мазмуни, тамойиллари, услублари ва шаклларига кўра мураккаб ҳодисадир. Унга: Мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётий ютуқларини далил-исботсиз атайлаб қоралаш, мустақилликка эришган мамлакатларнинг ҳаммасида бор бўлган умумий муаммоларни «фақат Ўзбекистонда бор» деб талқин қилиш, эришилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ютуқлари моҳиятини, ҳукуматимизнинг ташқи ва ички сиёсатини сохталаштириш, бузиб кўрсатиш; айрим мамлакатлар турмуш тарзи, сиёсий тизимини бир ёқлама кўкка кўтариш; миллий ғояларимизни обрўсизлантириш; кўп миллатли Ўзбекистонда аҳоли ўртасида ижтимоий ҳамкорликни бузишга қаратилган кайфиятларни тарқатиш ва низолар келтириб чиқаришга уриниш; одамларнинг диний туйғуларини жунбушга келтириш, диний ёвқарашни пайдо қилиш каби йўналишлар хосдир. Барча дунёвий давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам дин давлатдан ажратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон ҳоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, дейилади.

Дунёвий давлатлар эришаётган ютуқлар дунёнинг сиёсатини белгилаётган бир пайтда, давлат билан дин ўртасидаги ёки унинг бир оқими ўртасидаги келишмовчилик кимга хизмат қилишини ҳамма тушуниши керак. ҳозирги даврда дунё харитасига назар ташласак, ривожланган, иқтисоди бақувват, ҳарбий жиҳатдан қудратли, илмий-техника тараққиётида олдинда турган давлатлар асосан дунёвий давлатлардир. Лекин бу давлатлардаги одамлар динга. Худога ишонмайди, деган сўз эмас, аксинча, уларда ҳам диний эркинлар йўлга қўйилган, ҳатто давлат сиёсатида асосий роль ўйнайдиган кўпгина мўътабар арбоблар ҳам динга амал қилиб, ибодатни канда қилмайдилар. Уларда дин ўз йўлида барқарор ривожланмоқда. Дин билан давлат ўртасида мустаҳкам иттифоқ тузилган бўлиб, дин давлат тараққиётига, осойишталикка, фуқароларни Ватанга фидойилик, Оллоҳга ишонч, имонли – эътиқодли, ростгўй, покиза, ўз меҳнати эвазига кун кўрадиган, ҳаромдан ҳазар қиладиган, кишининг ҳақидан қўрқадиган, адолатли, ўз ҳуқуқини танийдиган, бошқаларни ҳурмат қиладиган, мамлакатда мавжуд қонунлар асосида иш юритадиган руҳда тарбиялашга кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка, таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. - Т.: «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи. 1998 йил 5 май.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда. - Т.: «Ўзбекистон», 2000.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000.

6. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Т.9. - Т.: «Ўзбекистон», 2001.
7. Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига сўз боши. Т.9. - Т.: «Ўзбекистон», 2001.
8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан, ҳамкорлик йўли. - Т.: «Ўзбекистон», 2003.
9. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч - қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. -Т.: «Ўзбекистон», 2004.
10. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: 12. -Т.: «Ўзбекистон», 2004.
11. Каримов И.А. «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ». Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқ. Т., «Ўзбекистон», 2004 йил, 29 апрель.
12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008.
13. Абдуллаев Ю. Мақсад асли нима эди? Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1998 йил 27 март.
14. Абдуллаев Е.В. Ислам и «Исламский фактор» в современнов Узбекистане. Центральная Азия. №6, стр. 87-100.
15. Абдуллажонов О. «Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши». Т., 2000.
16. Абдуллоҳ Ҳ.И. Дин ниқобидаги жинойтчилар. Ўзбекистон овози, 1998 йил 5 март.
17. Абдузимхўжа Шерзод ўғли. «Пайкон ўзинг, қалқон ўзинг...». «Халқ сўзи» 2004 йил, 2 май.
18. Азимов А. Диний экстремизм ва фундаментализм. (10 соатлик махсус курс дастури). Тошкент, 1998 йил.
19. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрирда). Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т., 1998 йил.

20. Ислам. Справочник. Ташкент. 1989.
21. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. -Т.: Маънавият, 2000. 4,7-8-бетлар.
22. Мунавваров З. Дунёвий давлат ва дин. Халқ сўзи, 1998 йил 3 март.
23. Нуриддинов М. Тараққиёт ва таассуб. Халқ сўзи, 1998 йил 4 февраль.
24. Раҳимқулов А. Иймонингни йўқотма. Мулкдор, 1998 йил 20 февраль.
25. Саифназаров И., Каримов Т.: Мухторов А. Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги терроризмга қарши қафолатдир. -Т.: «Янги аср авлоди», 2004. - 56 б.
26. Сафоев Ж. Ваҳҳобийлик ва унинг мақсади (проф. Н.Комилов билан суҳбат). Ўзбекистон овози, 1996 йил 21 апрель.
27. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. -Т.: «Ўзбекистон», 2004. - 136 б.
28. Терроризм – тараққиёт кушандаси. Тошкент, 2002.